



230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

2021-j. «10» Январь

№ 02-04/02-5564/1

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Молия вазири М. Содиқовга

Хурматли Махмуд Саидахмедович!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПҚ-4884-сонли Қарори** ижросини ва Қорақалпоғистон Республикасида таъминлаш бўйича **Йўл харитаси**”нинг **17-банди**, қолаверса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 16 мартдаги **5/888-сонли хатида** келтирилган топшириқлар ижросини таъминлаш борасида, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги умумтаълим муассасаларига “Ўзбектелеком” АҚ Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан шартнома асосида кўрсатилаётган Интернет хизмати учун тўловларни амалга оширишда маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш масаласида муаммолар келиб чиқмоқда.

Жорий йил якунига қадар кўрсатиб келинаётган телекоммуникация хизматлари учун абонент тўлови ноябрь ва декабрь ойлари учун тўловлари 490,0 млн сўмни ташкил қилинишини инобатга олган ҳолда Сиздан “Education” тарифли Интернет хизмати учун маҳаллий бюджет ҳисобидан маблағлар ўз вақтида ва керакли миқдорда ажратиб борилишида ҳамда юзага келган 490,0 млн сўмлик кредиторлик қарздорликни ёпишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Илова 1 варақда.

Вазирнинг биринчи ўринбосари в.в.б

Қ. Бекбаулиев

Ижрочи: Г.Бекмуратова  
Тел: 61. 222-24-26





O'ZBEKTELEKOM AKSIYADORLIK KOMPANIYASI  
АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ УЗБЕКТЕЛЕКОМ  
QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI FILIALI

230100 Nokis qalasi, Qaraqalpaqstan ko'shesi 7uy, T: (+998 61) 224-27-28, F: (+998 61) 222-68-13, E-mail: qqrtel@uztelecom.uz www.qqtelecom.uz

230100, город Нукус, ул Каракалпакстан, дом 7, Т: (+998 61) 224-27-28, Ф: (+998 61) 222-68-13, E-mail: qqrtel@uztelecom.uz www.qqtelecom.uz

№ 49-01-31/1463

«09» 12 2021.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Халқ таълими вазири  
Р.Реймовга

*Education тариф режаси бўйича*

Хурматли Рустем Мамбеткаримович!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қушимча чора-тадбирлар туғрисида”ги ПҚ-4884-сон қарори 12.1-бандида “вилоятлар ҳокимликлари умумтаълим муассасаларининг Интернетдан фойдаланиш хизматлари учун харажатларни ўз вақтида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тўланишини таъминласин” мазмунидаги топшириғи берилган.

Ушбу топширик ижроси бўйича “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 718 та умумтаълим мактабларига жами 1487 км оптик толали алоқа линиялари ташкиллаштирилиб, йўқори тезликдаги махсус ишлаб чиқилган “Education” интернет тариф режасига уланди.

“Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан 2021 йил 1 апрелда шартнома имзоланди ва бугунги кунда ушбу шартнома асосида телекоммуникация хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Жорий йил якунига қадар кўрсатиб келинаётган телекоммуникация хизматлари учун абонент тўловлари 490,0 млн сўмни ташкил қилинишини инобатга олган ҳолда Сиздан ушбу абонент тўловини жорий йилнинг 25-декабрь кунига қадар тўлашингизни сўраймиз.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қарздорлик ўз вақтида қопланмаса телекоммуникация хизматларини вақтинчалик тўхтатиб туришга мажбур бўламиз.

Директор

К. Таженов

